


Қуръони Карим дарслари (61-дарс). Қуръони Каримнинг ҳазрати Усмон даврларида жамланиши



20:05 / 26.11.2019 4108

(тўртинчи мақола)

«Ундан бошқа Қуръондан саҳифалар ва мусҳафларга ёзилган барча нарсани куйдиришга амр қилди».

Чунки кўпчилик ўз ижтиҳоди билан ўзи учун мусҳафлар ёзиб олган эди. Абдуллоҳ ибн Зубайр, мўминларнинг оналари Оиша, Ҳафса ва Умму Салама розияллоҳу анҳум шулар жумласидандир. Шунингдек, баъзи сураларни ёки оятларни ёзиб олганлар ҳам бор эди.

Саҳобалар ўз мусҳафларига Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган изоҳ ва тафсирларини ёзиб қўйишарди. Мисол учун, Ибн Масъуд розияллоҳу анху Бақара сурасидаги:

رَّبِّكُمْ مِّنْ فَضْلًا تَبْتَغُوا أَنْ جُنَاحٌ عَلَيْكُمْ لَيْسَ

«Роббингиздан фазл иташингизда сизга гуноҳ йўқ» деган оятидан кейин унга қўшимча қилиб

لَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَنْ تَبْتَغُوا فَضْلًا مِنْ رَبِّكُمْ فِي مَوَاسِمِ الْحَجِّ

деб қироат қилар эдилар. Натижада «Ҳаж мавсумларида **Роббингиздан фазл иташингизда сизга гуноҳ йўқ**» деган маъно ҳосил бўлар эди. Ушбу охирги жумла у кишининг мусхафларига ёзиб қўйилган эди. Шубҳасиз, бу охирги қўшимча тафсир ва изоҳ учун бўлган. Чунки уммат ижмоъ қилган мусхафларнинг ёзувида ушбу сўзлар йўқ. Ибн Жазарий буларни равшанлаштириб, шундай дейди:

«Баъзида қироатларга изоҳ ва баён қилиш жиҳатидан тафсирлар киритар эдилар. Зеро, улар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан оғизма-оғиз олишган Қуръонни аниқ билишар, қироат қилинган тафсир ва изоҳ кабиларни Қуръонга аралаштириб юборишдан омонда эдилар. Гоҳида баъзилари уни ёзиб ҳам қўйишарди».

Жумладан, Оиша розияллоҳу анҳонинг мусхафларида ҳам шунга ўхшаш ёзувлар бўлган.

Уларни куйдириб юбориш ила юзага келиши эҳтимоли бўлган ихтилофларнинг ҳам олди олинди.

Усмон розияллоҳу анҳунинг ўша бошқа мусхафларни куйдириб юбориш қарори, шубҳасиз, ҳикматли бўлган эди. Чунки уларнинг сақланиб қолиши мусулмонларнинг ораси бўлинишига сабаблардан бири бўлиб қоларди. Усмон розияллоҳу анҳунинг қилган ишлари одамлар қалбида мақбул ва гўзал иш сифатида ўрин эгаллади. Лекин Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу бунга эътироз билдириб, ўзининг хос мусхафини куйдиришдан бош тортди. Сўнгра Аллоҳ таоло у кишини Усмон розияллоҳу анҳунинг фикрига қайтишга илҳомлантирди. Натижада бутун уммат шу фикрда жам бўлиб, бу билан сўзлари бир ердан чиқадиган бўлди ва низонинг сабаблари бартараф қилинди.

Ана ўша асл мусхафдан олти нусха кўчириб олишни баъзилар «Қуръонни иккинчи бор таҳрир қилиш» деб атайдилар. Ноинсофлик ҳам шунчалар бўладими?! Ахир бир китобдан нусха кўчириш билан уни таҳрир қилиш орасида ер билан осмончалик фарқ бор-ку!

Саҳобаи киромлар мусулмонлар Қуръони Карим қироатида ихтилоф қилмасинлар деб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида ёзиб қўйилган мусхафдан бирор ҳарфни ўзгартирмай, нусха кўчирганлар, холос.

Аслида ёд олганларига суяниб ёзсалар ҳам бўлаверарди. Аммо улар ҳамма нарса ҳужжат-далилли, худди Аллоҳ ирода қилганидек, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам кўрсатганларидек бўлишини хоҳладилар.

Янги олинган нусхаларнинг ҳар бири биттадан қори билан турли марказларга юборилар экан, халифа Усмон розияллоҳу анҳу фақат ушбу мусхафларга ва улар билан юборилган қориларнинг қироатига эътиمود қилиш, Қуръони Каримдан бошқа нимаики ёзилган бўлса, куйдириб юбориш ҳақида амр қилдилар.

Бу амр ўзининг муқаддас Китобини муҳофаза қилиш йўлида ҳар қандай ишга тайёр турган мусулмон уммати томонидан мамнуният ила амалга оширилди. Баъзи катта саҳобалар ўзларининг шахсий мусхафлари ҳақида бир оз мулоҳазага борган бўлсалар ҳам, кейинчалик бирор ҳарфи кўпчилик қабул қилган нусхага ўхшамай қолса, ихтилоф чиқмасин деб, куйдириб юбордилар. Шу тарзда мусулмон уммати томонидан Қуръони Карим муҳофазаси йўлида яна бир улкан иш амалга оширилди.

Кейинчалик нусха кўчириш йўлга қўйилиши жараёнида фақатгина ҳазрати Усмон даврида ёзилган нусхаларга суяниш жорий бўлди. Охири келиб, ҳар бир нусханинг ишончли эканини тасдиқлаш мақсадида «Бу нусха Мусхафи Усмонга мувофиқдир», деб ёзиб қўйиладиган бўлди.


Шундай қилиб, Қуръони Карим ҳарфларини ёзиш услубининг ҳам бир хиллиги сақланиб қолди. Бу маънодаги эҳтиёткорлик шу даражага етдики, Қуръони Каримнинг ҳарфларига бирор нуқтачалик ҳам ўзгариш кирмасин, деган қасд ила уламоларимиз «Мусхаф ичига гул, дарахт барги ва шунга ўхшаш бошқа нарсаларни мутлақо қўйиб бўлмайди, акс ҳолда ўша нарсалар саҳифага ёпишиб қолса, шубҳа пайдо бўлиши мумкин», деб фатво чиқардилар.

Мусхафларнинг сони қанча бўлганидан қатъи назар, уларнинг барчаси Қуръоннинг ҳаммасини ўз ичига олган, 114 та сура нуқталардан, зер-забарлардан, сураларнинг исмлари ва ажратиш жойларидан холи эди. Бунда Абу Бакр розияллоху анхуга эргашилган бўлиб, Абу Бакрнинг мусхафи ҳам ушбу санаб чиққан нарсаларимиздан холи ҳолда эди. Бунинг устига, усмоний мусхаф Қуръонга тегишли бўлган шарҳлар ва тафсирлардан ҳам холи эди.

Қуръонни ҳазрати Усмон розияллоху анхунинг даврларида жамлашда у нозил қилинган «Етти ҳарф»ни кўтара олиши мулоҳазаси қилингани барча томонидан таъкидланади.

Яна алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳазрати Усмон мусхафлари Қуръонлиги мутавотир бўлмаган барча қўшимчалардан холи эди. Қўшимчалар ҳазрати Усмон мусхафларидан бошқа мусхафларда тафсир, мужмалнинг тафсилоти қабилида ёзиларди. Усмоний мусхафдан барча оҳод ривоятлар ўчирилган. Суралар ва оятлар бугунги кунимиздаги мусхафларда кўраётганимиздек қилиб тартибланган эди. Усмоний мусхафлар, аввал ҳам айтиб ўтилганидек, нуқталар, ҳаракатларсиз бўлиб, улардаги баъзи қуръоний лафзлар бир неча кўринишда қироат қилса бўладиган тарзда ёзилган эди.

Мисол учун, Ҳужурот сурасининг 6-оятдаги



жумласида келган «*اُوْنِّي بَبَتَف*» - «*фатабаййану*» сўзи нуқтасиз ёзилса, уни «*اُوْتَبَبَتَف*» - «*фатасаббату*» деб ўқиш ҳам мумкин бўлади. Шунингдек, «*اَهُرْشُنُن*» - «*нуншизуҳа*» сўзи нуқтасиз ёзилса, уни «*اَهُرْشُنُن*» - «*нуншируҳа*» деб ўқиш ҳам мумкин.

Шунга ўхшаш, Бақара сурасидаги

كَلِمَاتٍ رَبِّهِ مِنْ آدَمُ فَانْقَلَبَ

оятини ҳам

فَنَقَلَ آدَمُ مِنْ رَبِّهِ كَلِمَاتٍ

деб ўқиш мумкин.

Усмоний мусхафнинг ёзилиши ушбу икки оятни икки кўринишда ўқиш имкониятини беради. Шу билан бирга, мазкур икки кўринишдаги қироатнинг саҳиҳлиги қатъий далил билан ворид бўлган. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу икки хил қироатни қилганлар ёки у зотнинг ҳузурларида саҳобалардан бирлари мазкур икки қироатни қилганида иқроп бўлиб, уни тасдиқлаганлар. Бунга ўхшаш далиллар мутавотир қироатларда ворид бўлган. Усмоний мусхафнинг ёзилиши эса уларни турли суратда ўқиш имкониятини берган. Гарчи мутавотир даражага етмаган, оҳод далил билан собит бўлган қироатлар «шозз» деб эътибор қилиниб, расми Қуръонга мувофиқ бўлса ҳам, ишончли хабарларга мухолиф бўлганлиги учун олинмаган. Мисол учун, Аллоҳ таолонинг Фотир сурасидаги

الْعُلَمَاءُ عِبَادِهِ مِنَ اللَّهِ يَخْشَى إِنَّمَا

ояти шозз, мавзуъ қироатларда

إِنَّمَا يَخْشَى اللَّهَ مِنْ عِبَادِهِ الْعُلَمَاءُ

тарзида келган.

Бу маълумотларни баён қилганимиздан сўнг маълум бўладигани, қироатлари мутавотир бўлган бир қанча қуръоний калималар турли талаффуз қилинса-да, бир хил кўринишда ёзилган. Калималарни мутавотир бўлган қироатларнинг барча кўринишларини кўтара оладиган ҳолда ёзиш керак бўлган. Мабодо бунинг имкони бўлмаса, нусха кўчирувчилар баъзи мусҳафларга бир кўринишни, бошқа мусҳафларга эса иккинчи кўринишни ёзишлари керак бўлган.

Мисол учун, Аллоҳ таолонинг

وَيَعْقُوبُ بَنِي إِسْرَائِيلَ بِهَا وَوَصَّى

оятидаги

وَوَصَّى

- «ва вассо» лафзи бошқа саҳиҳ мутавотир кўринишда «وَصَّوْأ» - «ва авсо» деб ҳам келган. Шунинг учун усмоний мусҳафларнинг баъзисиди «ва

вассо» ёзилган бўлса, бошқаларида «ва авсо» деб ёзилган. Аммо бундай ҳолатлар жуда оз учрайди. Мусҳафга оид китобларда бу каби оятларнинг адади санокли ҳолда зикр қилинади.

Усмон розияллоҳу анҳу инсонларнинг Қуръони Каримни оғизма-оғиз ёдлашларини ва ёд олинган Қуръонга эътимод қилишларини, яъни суянишларини, ёзилган нусхаларга суяниб қолмасликларини хоҳлар эдилар. Шунинг учун ҳам аввал айтиб ўтилганидек, ҳар бир иқлимга алоҳида мусҳафларни жўнатар экан, ўша мусҳафнинг қироатига мувофиқ қорини ҳам қўшиб жўнатди. Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳу Мадина мусҳафининг устози, Абдуллоҳ ибн Соиб Макканинг, Муғира ибн Шиҳоб Шомнинг, Абу Абдурраҳмон Сулабий Куфанинг ва Омир ибн Абдул-Қайс эса Басранинг Қуръондан таълим берувчилари эди.

Усмон розияллоҳу анҳу улуғ саҳобаларнинг маслаҳати ва ёрдами билан якка шахслар қўлидаги мусҳафларни ёндиришга киришган. Ушбу ҳақиқатни тасдиқлаб, Сувайд ибн Фафла айтади:

«Алий: «Усмон ҳақида фақат яхшилиқни гапиринглар. Аллоҳга қасамки, мусҳафларга қилган ишида биз (саҳобалардан) катта жамоат бор эдик», деди.

Яна Алий: «Агар Усмон эга бўлган нарсага мен ҳам эга бўлганимда, мусҳафларга қилган ишини мен ҳам қилган бўлардим», деди».

Ҳазрати Алий розияллоҳу анҳунинг бу каби сўзларни айтишларига сабаб, Усмон розияллоҳу анҳуга турли хил тухматларни уюштирган жамоатнинг даъволари ичида у кишининг мусҳафларни ёндирганликларини айблаш ҳам бор эди. Ҳазрати Алий ушбу сўзларни Усмон розияллоҳу анҳуни мудофаа қилиш мақсадида айтган эдилар.

Қуръони Каримнинг бу хилда ёзилиши ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳунинг бошчиликларида ва амрлари билан бўлгани учун «Расми Усманий» («Усмон расми – ёзуви») деб аталадиган бўлди. Ушбу расм ҳозиргача барча Қуръони Карим нусхаларининг асли бўлиб келмоқда. Бу иш Қуръони Карим учун улуғ хизмат бўлганига ҳеч кимда заррача шубҳа йўқдир.

(Тамом)

«Қуръон илмлари» китобидан